



Бирок Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллом айтганларидек, ҳар одам ўз замонасига яхши тушуниши керак. От чопган, найза солиб, ёв олган ота-боболаримиз ўз замоналарига яраша ўз устиларига юкланган диний, миллий бурчларини ўтаганлари учун ватанларини боскинчилардан саклаб, ўз ҳокимиятларини қўлдан чиқармаган эдилар. Кейинги уч юз йиллик тарих бўйича жаҳолат, ҳурофот балчигига ботиб, нодонлик, тушунмаслик офатига йўлиққанлик натижасида рус боскинчилари ватанимизга зўрлик, қурол кучи билан босиб кириб, эрклик ҳокимиятимизни қўлимиздан тортиб олганига шу кунлари тўғри юз йил тўлмишдир.

Ватанимизга биринчи бостириб кирган шумоёк чор ҳукумати эллик йиллик даврида Туркистон халқини бутунлай қоронғуликда, илм-маърифатдан узок тутиб келган бўлса ҳам сурбетларча русларни қўплаб қўчириб келмаган эди. Ерлик халқнинг эрки ўзида, ватани қўлида бўлиб, диний маросимлари, мактаб-мадрасалари, ҳар турлик жамоат ишлари ўз ихтиёрларида эди.

Қачонки халқ ғамини қайгурган бўлиб қўринган ёлгончи алдамчи устал ошиғи (Стал ошиғи, яъни амалпараст, бюрократ.), мансабпараст коммунистлар қурол кучи билан ва ҳам ўнг-сўлини, фойда зиёнини ажратмаган, тушунмаган виждонсиз қорақўров нодонлардан фойдаланиб, ўз ҳокимиятларини ўрнатиб олгандан сўнгра бутун ишларни

ўзгартишга киришдилар. Шундоқки, буларнинг ҳокимиятлари динсизлик, худосизлик асосга қурилганликдан биринчи кундан бошлаб, бутун диний ишларини, шариат ҳукмларини йўққа чиқариб, мактаб-мадрасалар, масжид-хонақолардан бузилмай қолганларини чойхона, ўйинхоналарга ўхшаш ўзлари учун кераклик ўринларга айлантирдилар.

Маълумдирки, дунё яратилгандан бери ер устидаги инсонлар ўз эрқларича ишлаб, тилаган жойларида ўз ихтиёрларича яшаб келмиш эдилар. Чунки инсон боласи асли яратилишидаёқ ўз эрк-ихтиёрига эга бўлиш сифатида тугилиб, бошқа ҳайвонлардан шу орқали фарқи бўлмишдир.

Ҳаёт олами ичра ҳеч бир замон ҳеч бир мамлакатда инсонларни эрк-ихтиёрларидан ажратиб, тилсиз ҳайвонлар каторида мажбурий ишлатиш киши ҳаёлига келмаган эди. Энди бу ҳаёлий тузумни қўлланувчи ҳаёл-параст коммунистлар қурол қучи билан шу каби шармандачиликларни амалга ошириб, эллик йилдан бери бутун халқни қийнаб келдилар. Байт(Қўлёзмада биринчи мисра етишмайди.):

Қайғулик тунлар ўзарда тонг отар қун бормикин? Биз қамалдик бу темир қургон ичида инграниб, Бузулм қўргон қопусин синдирар қун бормикин? Барча олам йўллари очик, эрур, бизга - ёпик» Эй Худо, ҳаж йўли бизларга очик, қун бормикин?

Барча олам аҳли ўз мақсадларини топдилар,

Ўзбекистон халқига бу иш бўлар қун бормикан?

Руслар босди ватанни, қоплади селдек келиб,

Бу фалокатдан Худоё қутулар қун бормикин?

Соғуний дардинг эзилди бу ватаннинг дардида,

Қим билур бу дардима дармон топар қун бормикан?

Қогоз устида ўн беш эрқлик жумҳурият ҳукумати деб ёзилган бўлса ҳам, буларнинг ҳеч бировида ҳақиқатан қилчалик ҳам ихтиёрлари йўқдир. Бу мамлакатларнинг асосий ишлари эса бутунлай Масқовга боғланганлиги учун қатта-қичик ҳар қандай ишларни Масқовдан буйруқсиз қила олмайдилар. Айниқса, Ўзбекистон жумҳурияти бошқа жумҳуриятларга қараганда ҳар бир иш тўғрилиқ энг тубанги қолға тушганликдан диний, миллий, шахсий, ҳатто инсоний ҳуқуқларидан бутунлай маҳрумдирлар. “Халқ душмани” деган ёлғон тухматни тақиб, 1936-1937 йиллари неча минглаган миллият зиёлилари, сиёсатга тушунган ватан йигитларининг бошини ютиб йўқотган қунидан бошлаб, Масқов нима деса “бош устига!” дейдиган, халқ танимаган, суймаган бўлса ҳам Масқов таниган виждонсиз, ифлосларни Ўзбекистон қўғирчоқ ҳукумати бошлиқи қилиб белгилаб, шулар орқалиқ ўз мақсадларини бақаришга қиришгани турдилар. Бунинг устига минг тўққиз юз олтмиш олтинчи йили 26-апрелда Тошқент шаҳрида бўлган қилзила бақонаси билан уйлари бузилган ўзбекларга ёрдам етқизиш деган бўлиб, бутун жумҳуриятлардан қиши қакирдилар. Ҳақиқатда эса қилзиладан вайронликка учраган марқазий Янги шаҳар(Тошқентнинг рус ақоли учун чор маъмурияти даврида барпо қилинган қисми.) ибнolari эди. Қўпроқ мусулмонлар бу офатдан омон эдилар. Шундоқ бўлса ҳам буни қилтов(Бақона, рўқач (қиг. турқча).) қилиб неча минглаган ўзбекларни мажбурий равишда қўчириб шаҳар ташқарисига қикардилар. Айниқса, Тошқентнинг энг тарихий жойи қисобланган Шайх Хованд тоҳур мақалласи бутунлай бузилиб, ундан ном-нишон ҳам қолмади. Бу шаҳар ташқарисига қикарилган бечораларни Қурбақабод деган қий далага олиб қориб ташлади. Уйлари бузишда ва қуришда арзигудек ҳеч бир моддий ёрдам берилмади. Бу бечоралар ёш-ғўдақ болалари билан шу қунларда ҳам қийналмоқдалар. Йигирманчи асрга қелиб ўз ватанларида ўзлари қор бўлдилар...

Боскинчиларнинг биринчиси чор ҳукумати давридан эллик йил ўтгач, кофирлар акси уриб, баъзи бир ўзгаришлар бошланган бўлса ҳам, у кунгача диний, миллий, айниқса, тил ўзгаришлари бўлмаган эди. Энди эса бу динсиз коммунистлар давридан эллик йил унга қўшилиб, рус боскинчиларининг келганига юз йил тўлмишдир. Буларнинг амалий мақсадлари эса бутун дунёга динсизлик тарқатиб, ўзларининг чиркин, сассик тузумларини ўрнатиш бўлганликдан буткул ишларни ўзларининг бузук сиёсатларига боғлаб, ҳар бир нарса коммунистлар раҳбарлиги остидагина бўлиши мажбурий равишда шарт қилинмишдир. Шунинг натижасида булар ҳар ишга аралашволиб, хушёрларга эсриклар, соғларга телбалар йўлбошчилик қилгандек бутун мамлакатда бу мажнунларнинг аралашмаган ишлари йўқдир. Халқда ихтиёрий ҳаёт кечириш йўқолгани учун аларнинг жон ҳаракатлари ва ҳалол меҳнатлари билан чиққан ер ҳосилотининг юздан бирига ҳам эга бўла олмайдилар. Озик-овқат, емак-ичмак ишлари эрса буларни ўз оғборларида саклаб, халққа тилаган ўлчамларида бериб туриш коммунистларнинг бузилмас қонунларидир. Агар уч кун бермай тўхтатар эканлар, халқ бошига қиёмат қўпиб, шу қуниёқ очарчилик бошланиши қўриниб туради. Мана шундай бўлиб, ҳозирги кунда илгари тарихларда ярқираб қўринган, тилларда дoston бўлган Туркистон улуси, Турон мусулмонлари ёлғиз диний ҳуқуқларидангина эмас, инсоний ҳуқуқларимиздан ҳам ажраб, ютилиш олдида турамиз. Келажакда биз учун энг қўрқинчлик иш эса йўқ баҳоналар билан ўн минглаб, юз минглаб селдек келаятган боскинчиларнинг ватанимизда ўрнашаётганлигидир. Ва баъзи бир миллий ҳисси йўқ виждонсизлар қўз олдимизда ютилаятганлиги очик қўриниб турибди. Ўзбекистон ҳукумати бошлиги ҳисобланган кишилар кун сайин кизини ўрусларга бериб, ўғлини ўруслардан уйлантирмоқда. Бундок бўлгондан кейин булардан бўлган авлоднинг қим бўлиши равшан. Бу руспарастлар авлод олдида ҳам энг жиноятчи одамлардир. Тарихларда боскинчилар доим шундай амалпараст сотқинлардан қенг равишда фойдаланган. Ҳозирги кунларда эса интернационализм никоби остидаги хитой боскинчилари Сайфидлин Азизий, Бурхон [Шахидий] қабил виждонсизлардан фойдаланмоқда.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон қайғуси" китобидан